

1/2024,  
yanvar-  
fevral  
(№ 00069)



## БИОЛОГИК АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Болтаев Аброр Сайитмурадович**

*Фискал институт «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири,  
и.ф.ф.д. (PhD), доцент. [abror\\_abc@mail.ru](mailto:abror_abc@mail.ru)*

**ORCID:** <https://orcid.org/0000-0003-4198-7983>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss1/i4](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i4)

### Аннотация

Мазкур мақолада биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари баён қилинган. Хусусан, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун тегишли счётлар таклиф қилинган ҳамда улар ёрдамида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш алгоритми кўрсатиб берилган ва хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги фаолияти, биологик актив, узоқ муддатли биологик актив, қисқа муддатли биологик актив, даромадлар, харажатлар, молиявий натижа, счётлар режаси, счётлар.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ УЧЕТА БИОЛОГИЧЕСКИХ АКТИВОВ

**Болтаев Аброр Сайитмурадович**

*Заведующий кафедрой «Учет и аудит» Финансового института И.Ф.Ф.Д. Кандидат  
медицинских наук, доцент.*

### Аннотация

В данной статье изложены вопросы совершенствования методических аспектов учета биологических активов. В частности, предложено использовать соответствующие счета для учета доходов и расходов по биологическим активам субъектах предпринимательства, а также с их помощью показан алгоритм отражения хозяйственных операций в бухгалтерском учете и формирования финансовых результатов и сформулированы соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** сельскохозяйственная деятельность, биологический актив, долгосрочный биологический актив, краткосрочный биологический актив, доходы, расходы, финансовый результат, план счетов, счета.

### IMPROVEMENT OF METHODOLOGICAL ASPECTS OF ACCOUNTING OF BIOLOGICAL ASSETS

**Boltaev Abror Sayitmuradovich**

*Head of the "Accounting and Auditing" Department of the Fiscal Institute, I.F.F.D. (PhD), associate professor.*

Abstract

This article outlines the issues of improving the methodical aspects of accounting for biological assets. In particular, it is proposed to use the appropriate accounts to account for income and expenses on biological assets of business entities, and with their help the algorithm for reflecting business transactions in accounting and the formation of financial results is shown, and appropriate conclusions have been formulated.

**Keywords:** agricultural activity, biological asset, long-term biological asset, short-term biological asset, income, expenses, financial result, chart of accounts, accounts.

## **Кириш**

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби тадбиркорлик субъектлари бизнес фаолиятини ўлчаш, молиявий маълумотларни шарҳлаш ва натижаларини бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарияти ва бошқа манфаатдор томонларга оқилона бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиш учун тақдим этиш тизими сифатида қаралмоқда. Шунингдек, миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимига халқаро стандартларнинг жорий этилиши натижасида «биологик активлар» атамасининг кириб келиши, мазкур активларни активларнинг алоҳида тоифаси сифатида ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш заруратини туғдиради. Шу боис, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларида биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, биологик активлар таркибига кирувчи ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ҳамда ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун 21-сон БҲМСда алоҳида счётлар белгиланган. Бироқ, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (МҲҲС) биологик активларни ҳисобга олиш учун алоҳида счётлар белгилаб қўйилмаган. Чунки, МҲҲС қоидалари бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадида эмас, балки ўринли ҳамда ҳаққоний тақдим этилган ахборотларни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилади. Шу сабабли, МҲҲС асосида молиявий ҳисоботни тузувчи тадбиркорлик субъектларида биологик активлар ва улар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш юзасидан услубий кўрсатмаларга зарурат туғилади.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Биологик активларни ҳисобга олиш масаласида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ва ёндашувларини тавсифлаб беришган. Жумладан, иқтисодчи олим Б.Ю.Менгликуловнинг таъкидлашича, «Биологик активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш қишлоқ хўжалик корхоналари бухгалтерия ҳисобининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади.

Биологик активлар ҳисобини ташкил этишда қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

- биологик активларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича бошланғич қолдиқлар хўжалик юритувчи субъектда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- биологик активлар ҳисоби бўйича счётларнинг жорий давр учун бошланғич қолдиқларнинг ўтган даврдан тўғри ўтказилганлиги;
- хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида биологик активларни баҳолашга нисбатан даврдан даврга изчилликнинг мавжудлиги» [5].

Иқтисодчи олим З.У.Мухаммадиев [6] эса, миллий ҳисоб тизимимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун амалдаги ҳисоб дастакларига ўзгартириш киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Хусусан, иқтисодчи олим томонидан

амалдаги 21-сон БҲМСга биологик активлар ва уларга капитал инвестициялар ҳисобини юритишга мўлжалланган счётлар тизимига тегишли счётларни киритиш орқали ўзгартиришни тавсия этади. У томонидан тавсия этилаётган счётларнинг ҳар бири бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар субъектларида мавжуд бўлган ушбу мақомдаги активларни, шунингдек уларга киритилаётган инвестицияларни миқдор ва қиймат жиҳатдан акс эттириш имконини беришини таъкидлайди.

Хорижлик иқтисодчи олима А.Е.Выручаева [7] олиб борган илмий изланишлари натижасида биологик активлар активларнинг алоҳида тоифаси ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда алоҳида бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олиш тавсия этади. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг ҳозирги босқичида биологик активларни ҳисобга олиш учун алоҳида счётлар ажратилмаганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш бўйича мавжуд счётлар режасига тегишли синтетик счётлар ва улар таркибида алоҳида аналитик счётларни киритиш асосида ўзгартиришни таклиф этади. Унинг фикрига кўра, таклиф этилаётган счётлар биологик активларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш қуйидагиларга имкон беради:

- алоҳида ҳисоб объектининг бухгалтерия ҳисобини тизимлаштириш бўйича халқаро стандартлар талабларини бажариш;
- бошқарув ҳисобини юритиш ва бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг махсус шакллари тўлдириш учун маълумотларни тайёрлаш;
- экологик тоза биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

Иқтисодчи олим А.М.Терехов [8] ҳам қишлоқ хўжалиги ташкилотларида биологик активларни ҳисобга олишнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш асосида уларни ҳисобга олиш жараёнини оптималлаштириш бўйича ўз тавсияларини келтириб ўтади. Жумладан, иқтисодчи олим биологик активларни ҳисобга олиш учун алоҳида счётлар ажратган ҳолда ишчи счётлар режасига ўзгартириш киритишни тавсия қилган ҳолда тегишли синтетик, аналитик ва субсчётларни таклиф этади. Шу билан бирга, таклиф этилган счётлар ёрдамида биологик активлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини кўрсатиб беради.

Иқтисодчи олимнинг фикрига кўра, биологик активларни ҳисобга олишда таклиф этилган тегишли счётлардан фойдаланиш биологик активларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ корхона активларининг алоҳида гуруҳи сифатида акс эттириш, молиявий ва бошқарув ҳисоби учун аниқ ва ишончли маълумотлар тайёрлаш имконини беради.

Иқтисодчи олима А.Ф.Сидикова [9] томонидан эса, биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисобга олиш жараёнининг муаллифлик модели, 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲХС талабларини мувофиқ ташкилотнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг барча хўжалик операцияларини қамраб олган ҳолда таклиф қилинган, аналитик ҳисоби ишчи счётлар режасига ўзгартириш ва қўшимча субсчётлар киритиш асосида такомиллаштирилган. Муаллифнинг фикрига кўра, таклиф этилган модел 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲХС талабларига жавоб беради. У мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими ва халқаро стандартлар принципларини билаштиради ва замонавий бухгалтерларга уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятида қўллаш имконини беради.

Иқтисодчи олимлар Г.С.Клычова, А.Р.Закирова, А.С.Клычова ва Л.Ф.Ситдиковаларнинг [10] фикрига кўра, счётлар режасига туб ўзгаришларни киритиш узоқ вақт талаб қилиши сабабли, мавжуд счётлардан 41-БҲХС талабларини ҳисобга

олган ҳолда фойдаланиш яхшироқ ҳисобланади. Чунки, бу мавжуд счётларга тегишли баъзи субсчётлар номларини аниқлаштиришни ва янгиларини қўшишни талаб қилади. Бу мавжуд тартибга зид ҳисобланмайди, чунки ташкилотларда синтетик ҳисоб барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади ҳамда ташкилот БҲМСнинг зарур принципларини ҳисобга олган ҳолда ўз хоҳишига кўра аналитик ҳисобни юритиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ёзишича, бундай ёндашув бугунги кунда мутахассисларга ўрганилаётган МҲХС талабларига тезда мослашиш ва кейинчалик мавжуд терминологиядан тўғри фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, улар томонидан таклиф этилган субсчётлардан фойдаланган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш мутахассисларга 41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» БҲХС талабларига мослашишга имкон беради. Бу эса, албатта келажакда уларнинг иш сифатига таъсир қилишини таъкидлашади.

Иқтисодчи олима Н.Н.Агошкова [11] узоқ муддатли биологик активлар ҳисобини 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲХС талабларига яқинлаштириш учун узоқ муддатли биологик активлар гуруҳини асосий воситалардан алоҳида ажратиб олишни ва уларни ҳаққоний қиймат бўйича алоҳида 06 – «Узоқ муддатли биологик активлар» счётида ҳисобга олишни таклиф этади. Шунингдек, биологик активлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан вужудга келадиган даромадлар ва харажатларни алоҳида «Биологик активлар билан операциялардан олинган даромадлар ва харажатлар» счётида ҳисобга олиш мумкин деб ёзади. Иқтисодчи олима томонидан таклиф этилган счётлар таркибида яна алоҳида қўшимча аналитик счётлар кўрсатиб ўтилган. Унинг таъкидлашича, узоқ муддатли биологик активлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олишда қўшимча счётлардан фойдаланиш, уларнинг алоҳида ҳисобини ташкил этиш ва 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲХСнинг асосий талабини баражариш – биологик активларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотларни баланснинг алоҳида сатрида тақдим этиш имконини беради.

#### **Тадқиқот методологияси**

Биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Хусусан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, илмий адабиётлар, хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу албатта, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий ва услубий ишлари биологик активлар ҳисобини такомиллаштиришда ҳам услубий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда миллий амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, унда молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари томонидан бугунги кунда биологик активлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

*биринчи гуруҳ* тадбиркорлик субъектлари амалдаги 21-сон БҲМСда биологик активлар таркибига кирувчи активлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун белгиланган счётлар таркибида тегишли аналитик счётларни очган ҳолда юритишмоқда;

*иккинчи гуруҳ* тадбиркорлик субъектлари 21-сон БҲМСда белгиланган счётлар асосида МҲХС талабларидан келиб чиқган ҳолда тегишли счётларни қўшиш ва ўзгартиришлар киритиш орқали алоҳида МҲХС бўйича счётлар режаси ишлаб чиқиб юритишмоқда;

*учинчи гуруҳ* тадбиркорлик субъектлари ваколатли орган томонидан тавсия этилган намунавий счётлар режасида белгиланган счётлардан фойдаланиб келишмоқда.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, ваколатли орган сифатида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тавсия этилган МҲХСда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда 5 та қисм ва 10 та бўлимдан иборат бўлган намунавий счётлар режасида узоқ муддатли биологик активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида маълумотларни умумлаштириш учун 1600 – «Узоқ муддатли биологик активлар» счёти белгиланган. Мазкур счёт таркибида қуйидаги счётлар белгиланган:

**1-жадвал**

**Узоқ муддатли биологик активлар**

Счёт рақами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
<b>1600</b>	<b>Узоқ муддатли биологик активлар</b>		
1610	Ўсимликлар	А	Ушбу счётдан ҳосилдор ўсимликлардан ташқари, турли узоқ муддатли ўсимликлар ҳисоби учун фойдаланилади.
1620	Ҳайвонлар	А	Маҳсулдор (сигирлар, биялар, қўйлар, эчкилар ва бошқалар) ҳайвонлар ҳисоби учун фойдаланилади.
1630	Биологик активларнинг эскириши	КА	Бу счётдан биологик активлар ҳаққоний қийматини аниқлаш имкони бўлмаса, унда уларга ҳисобланган амортизация суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
1640	Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв	КА	Бундан узоқ муддатли биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резервларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Ушбу 1600-«Узоқ муддатли биологик активлар» счёти бўйича намунавий счётлар режасига берилган изоҳларда 1620 – «Ҳайвонлар» счёти қуйидагича тавсифланган: 1620 – “Ҳайвонлар” ишчи кучи сифатида фойдаланиладиган ишчи ҳайвонлар - отлар, хўкизлар, туялар, хачир ва эшаклар ва бошқа ишчи ҳайвонлар (шунингдек, юк транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган ҳайвонлар) ҳамда маҳсулот (насл, сут, жун ва бошқалар) берадиган ҳайвонлар - сигирлар, биялар, қўйлар, эчкилар ва бошқалар ҳисоби учун фойдаланилади.

Фикримизча, юқоридаги 1620 – «Ҳайвонлар» счётининг тавсифида ишчи ҳайвонлар узоқ муддатли биологик активлар сифатида киритилиши улар қишлоқ хўжалиги фаолиятида иштирок этмаслиги боис, тўғри ёндашув ҳисобланмайди. Чунки, 41-сон БҲХСга асосан қишлоқ хўжалиги фаолияти биологик активдан қишлоқ хўжалик маҳсулотини олиш жараёнини тақозо этади. Ишчи ҳайвонлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олинмаганлиги сабабли, улар 41-сон БҲХСнинг таъсир доирасидан ташқарида ҳисобланади. Шу сабабли, уларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, жорий биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун 2600 – «Қисқа муддатли биологик активлар

ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти» счёти белгиланган бўлиб, қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

**2-жадвал**

**Узоқ муддатли биологик активлар**

Счёт рақами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
<b>2600</b>	<b>Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</b>		
2610	Ўсимликлар	A	Бу счёт ҳосилдор ўсимликлардан ташқари, турли қисқа муддатли ўсимликлар ҳисоби учун фойдаланилади.
2620	Ҳайвонлар	A	Бундан ёш ҳайвонлар, боқувдаги, яйловдаги катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсизга чиқарилган (боқувга қўйилмасдан), сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамоллар ҳисобида фойдаланилади.
2630	Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв	КА	Бундан қисқа муддатли биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резервларни ҳисобга олишда фойдаланилади.
2640	Йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	A	Бу счётдан биологик активларидан олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисобга олишда фойдаланилади.

Юқоридаги фикримизнинг тасдиғини, тадқиқот объекти бўлган «Kattaqo'rg'onoyog' moy» акциядорлик жамияти (АЖ) ва «Urgench yog'-moy» акциядорлик жамияти (АЖ) мисолида кузатиш мумкин. Хусусан, «Kattaqo'rg'onoyog' moy» акциядорлик жамияти (АЖ)да узоқ муддатли ва жорий биологик активлар мавжуд бўлиб, улар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олишда 21-сон БҲМСда белгиланган 0170-«Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» ва 1100 – «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар» счётларининг таркибида тегишли аналитик счётлар очган ҳолда фойдаланиб келишмоқда. Шунингдек, молия-хўжалик фаолиятида содир бўлган биологик активлар билан боғлиқ даромад ва харажатларни ҳам асосий фаолият харажатлари ва даромадлари сифатида ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулотлар таннархи кўрсаткичларида умумлаштирган тарзда акс эттириб келишмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув тўғри ёндашув ҳисобланмайди. Чунки, молия-хўжалик фаолиятида содир бўлган биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни асосий фаолиятнинг даромадлари ва харажатлари таркибида умумий тартибда ҳисобга олиш тадбиркорлик субъекти раҳбариятига ва бошқа молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланувчиларга ишончли маълумот олиш ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини бермайди.

Шу билан бирга, амалиётда кўпчилик МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари ваколатли орган томонидан тавсия этилган намунавий счётлар режасидан фойдаланишади. Унинг «Молиявий натижаларнинг шаклланиши» қисмининг «Даромадлар» бўлимида асосий фаолият даромадларини ҳисобга олиш учун 6000 – «Тушум» счёти белгиланган бўлиб, у қўйидаги счётлар гуруҳни ўз ичига олади:

**Узоқ муддатли биологик активлар**

Счёт рақаами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
<b>6000</b>	<b>Тушум</b>		
6010	Вақтнинг муайян нуқтасида тан олинадиган тушум	Т	Бу счётдан вақтнинг муайян нуқтасида тайёр маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан даромадларни олиш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишда фойдаланилади.
6020	Давр мобайнида тан олинадиган тушум	Т	Бундан давр мобайнида тайёр маҳсулот(товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан даромадларни олиш билан боғлиқ операциялар ҳисобга олишда фойдаланилади.
6030	Тушумга тузатиш киритиш (камайишга)	Т	Ушбу счётдан маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан даромадларни тузатиш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Мазкур қисмнинг «Харажатлар» бўлимида эса, сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олишга мўлжалланган 7000 – «Таннарх» счёти белгиланган бўлиб, у қуйидаги счётларни ўз ичига олади:

Счёт рақаами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
<b>7000</b>	<b>Таннарх</b>		
7010	Вақтнинг муайян нуқтасида тан олинадиган таннарх	Т	Бу счётдан вақтнинг муайян нуқтасида сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олишда фойдаланилади.
7020	Давр мобайнида тан олинадиган таннарх	Т	Бундан давр мобайнида сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олишда фойдаланилади.
7030	Таннархга тузатиш киритиш (камайишга)	Т	Мазкур счётдан сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархига тузатиш киритиш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Тавсия этилган намунавий счётлар режасида келтирилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан даромадни ва сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олиш учун мўлжалланган счётлар қишлоқ хўжалиги фаолияти, хусусан биологик активлар билан боғлиқ операциялар натижасида юзага келадиган даромадлар ва харажатларни алоҳида таснифлаш ва ҳисобга олиш имконини бермайди. Чунки, мазкур счётлар 15-сон «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» номли МҲХСни қўллаш доираси бўйича даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар ҳисобланади. Шу сабабли, бизнингча, биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадларни, биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда (зарар)ни ва қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатларини ҳисобга олишда ушбу счётлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ операциялар натижасида тан

олиниши лозим бўлган даромад ва харажатларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун қуйидаги счётларни таклиф қиламиз (4-жадвал).

4-жадвал

**Биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун таклиф қилинаётган счётлар<sup>1</sup>**

Счёт рақами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
<b>6000</b>	<b>Даромадлар</b>		
<b>6040</b>	Биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар	<b>T</b>	Бу счёт биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
<b>6050</b>	Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда	<b>T</b>	Бундан биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
<b>7000</b>	<b>Таннарх</b>		
<b>7040</b>	Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари	<b>T</b>	Бу счётдан қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
<b>7050</b>	Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар	<b>T</b>	Бундан биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.

Мазкур таклиф этилаётган счётлар ҳисобот даври охирида 8000 – «Давр учун фойда ва зарар» счёти билан ёпилади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларида молия-хўжалик фаолиятида содир бўлган операциялар натижасида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар юқорида таклиф этилган счётлардан фойдаланган ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ҳисобга олиниши лозим:

1. Тадбиркорлик субъектида биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1 а). Узоқ муддатли биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромад ҳисобга олинганда:

Дебет 1600 – «Биологик активлар» счёти;

Кредит 6040 – «Биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар» счёти.

1 б). Қисқа муддатли биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромад ҳисобга олинганда:

Дебет 2600 – «Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти» счёти;

Кредит 6040 – «Биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар» счёти.

2. Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда тан олинганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

2 а). Узоқ муддатли биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда тан олинганда:

Дебет 1600 – «Биологик активлар» счёти;

Кредит 6050 – «Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда» счёти.

2 б). Қисқа муддатли биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда тан олинганда:

Дебет 2600 – «Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти» счёти;

Кредит 6050 – «Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда» счёти.

3. Тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинганда:

Дебет 7040 – «Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари» счёти;

Кредит Қишлоқ хўжалиги фаолияти учун сарфланган моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар.

4. Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар тан олинганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

4 а). Узоқ муддатли биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар тан олинганда:

Дебет 7050 – «Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар» счёти;

Кредит 1600 – «Биологик активлар» счёти.

4 б). Қисқа муддатли биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар тан олинганда:

Дебет 7050 – «Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар» счёти;

Кредит 2600 – «Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти» счёти.

5. Тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг давр учун фойда ва зарарни ҳисобга олувчи счёт билан боғланган ҳолда ёпилиши қуйидагича ҳисобда акс эттирилади:

5 а). Даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши:

Дебет 6040 – «Биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромадлар» счёти;

Дебет 6050 – «Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда» счёти;

Кредит 8000 – «Давр учун фойда ва зарар» счёти.

5 б). Харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши:

Дебет 8000 – «Давр учун фойда ва зарар» счёти;

Кредит 7040 – «Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари» счёти;

Кредит 7050 – «Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар» счёти.

Албатта, тадбиркорлик субъектлари юқорида таклиф этилган счётларнинг



хусусан биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда таклиф этилган счётларнинг амалиётга жорий қилиниши қуйидагиларга имкон беради:

- биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар ва уларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда суммасини ҳисобга олиш;

- қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатларини, биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар суммасини ҳисобга олиш;

- қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича молиявий натижаларни тўғри шакллантириш, молиявий ҳисобот ва у билан бирга чоп этиладиган маълумотларда ошкор қилинадиган ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончилигини янада ошириш.

- шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқилган ишчи счётлар режасини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги фаолияти ва унинг натижалари бўйича фойдаланувчиларга тизимли ахборотлар тақдим қилиш, бухгалтерия хизмати ходимларининг меҳнат сарфини сезиларли даражада камайтириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 21-сон “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА” Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС). <https://lex.uz/acts/417624> (23.01.24).

2. 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС). <https://lex.uz/docs/6312360> (23.01.24).

3. 15-сон «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС). <https://lex.uz/docs/6312360> (23.01.24).

4. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тайёрлайдиган ташкилотлар учун бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси (Лойиҳа). [https://www.mf.uz/media/file\\_uz/buh-uchet/formaFO/uzb\\_plan.pdf](https://www.mf.uz/media/file_uz/buh-uchet/formaFO/uzb_plan.pdf)

5. Б.Ю.Менгликулов Биологик активларни ҳисобга олишда халқаро стандартларни қўллашнинг зарурати. «Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2020 йил 24 октябр. 315-318 бетлар.

6. Махаммадиев З.У. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. –Т.: 2021. – 79 б.

7. Выручаева А.Е. Развитие бухгалтерского учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2011. – 17 ст.

8. Терехов А.М. Бухгалтерский учет и оценка биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Нижний Новгород 2014. – 119 ст.

9. Ситдикова А.Ф. Развитие учета биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Нижний Новгород – 2013. – 15 ст.

10. Клычова Г.С., Закирова А.Р., Клычова А.С., Ситдикова Л.Ф. Методические подходы к учету биологических активов растениеводства. // Международный бухгалтерский учет. 23 (365) – 2015. С. 14 – 24.

11. Агошкова Н.Н. Совершенствование учета воспроизводства внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // Международный бухгалтерский учет. 15 (261) – 2013. С. 20 – 28.